



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 - Март

3620 -son

Bog‘ot shaharchasi

**Боғот туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ  
автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида**

“Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ҳамда  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Қурязов, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Ж.Тўраев, туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи О.Авезов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўллари сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.

3. Мазкур қарор расмий манбаларда эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириши белгилаб қўйилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари А.Қурязов, туман ободонлаштириш бошқармаси О.Авезов ва функционал вазибаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**

**Ш.Яхшибаев**